



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 191 (13.788)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ:

УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 8-9 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 9 октябрь куни бўлиб ўтди. Париж шаҳридаги Шон-шараф майдонида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон ва Франция давлат мадҳиялари янгради. Шавкат Мирзиёев ҳарбий оркестр садолари остида фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Франция Республикаси Президентини Елисей саройига йўл олди.

Шавкат Мирзиёев ва Эммануэль Макроннинг музокарасида Ўзбекистон – Франция муносабатларини янада ривожлантириш, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз мамлакатимиз делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон ишончли ва узоқ муддатли шерик бўлган Франция билан ҳамкорлиқни ривожлантиришга катта аҳамият қарашганини алоҳида таъкидлади. Франция давлатимиз раҳбари расмий ташриф билан келган Европадаги биринчи мамлакат эканини қайд этиб, ўн бешинчи аср бошида буюқ Соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI даврдан буюн давом этиб келаётган дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч мамлакатларимизни боғлаб туришига эътибор қаратди.

Эммануэль Макрон давлатимиз раҳбари билан Парижда учрашиб турганидан мамнулигини билдириб, Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсат, кенг қўлланмиш ислохотлар нафақат аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг етакчи давлатлар сафига кириши, балки Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Икки давлатнинг халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга доир ёндашувлари яқин ёки мос эканини қайд этилди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақа давлатларининг изчил тараққиётга эришиши мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутуши алоҳида таъкидланди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш, таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашиш муҳимлигини қайд этиди. Минтақада тинчлик ва оқилолиятни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш зарурлиги яна бир бор таъкидланди. Бундан олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан тўғридан-тўғри сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ушбу муаммони ҳал этишнинг бирдан-бир йўли эканига эътибор қаратилди.

Кейинги йилларда сиёсий мулоқот фаоллашгани ва бундан буюн мунтазамлик касб этиши лозимлиги таъкидланди.

Ҳукуматлар ва вазирликлар даражасида мунтазам мулоқот амалга оширилмоқда. Ташқи сиёсий идоралар ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Парламентлараро алоқалар изчил ривожланмоқда.

Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, технологиялар, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Фран-

ция ҳукуматлараро комиссияси фаолиятига ижобий баҳо берилди. Ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, ўзаро савдода энг кўп қўлайлик яратиш тартиби ўрнатилган, Икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида конвенция ва бошқа ҳужжатлар имзоланган.

Музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми мавжуд имконият ва салоҳиятга мос эмаслиги таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг тегишли вазирлик ва идоралари томонидан Европа тикланиш ва тараққиёт банки, "МЕДЕФ" Франция тадбиркорлари ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган бизнес-форумда Европанинг илғор тажрибаси, билими ва технологиялари асосида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Хусусан, Франция тараққиёт агентлиги билан умумий қиймати қарийб 600 миллион евро бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик дастури имзоланди.

Франциянинг "Эйрбас", "Тоталь", "Винчи", "Орано", "Тоталь Эрэн", "Веолія", "Фивс Штейн", "Буиг", "Ранжис" ва бошқа кўплаб компаниялари билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Учрашувда бунга алоҳида эътибор қаратилган экан, маданият ва санъат, туризм, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, археология соҳаларида ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг аниқ йўналишлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонга келаётган франциялик сайёҳлар учун визасиз тартиб жорий этилгани ва Франция бу борада Европанинг биринчи мамлакатига бўлганини таъкидлади.

Мамлакатимизда француз тилини ўрганишга қизиқувчилар кўп. Яқинда Тошкентда Француз тили ва маданияти маркази ташкил этилди.

Иқтисодиёт, муҳандислик, қишлоқ ҳўжалиги, туризм каби йўналишларда мутахассислар тайёрлаш бўйича Ўзбекистонда Франциянинг етакчи университетлари филиалларини очиб бораётган келишувларга эришилди.

Мамлакатимиз тарихи ва маданияти халқаро ҳамжамиятда, жумладан, Франция илмий доираларида доимо катта қизиқиш уйғотиб келган. Ташриф давомида юртимиз тарихи ва маданиятини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган Франциянинг таниқли адабиёт ва илм-фан намоёндалари – ёзувчи Амин Маалуф, олимлар Фредерик Бопертои-Брессанд хоним ва Франц Гренеге Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси унвони берилди.

Мамлакатимиз тарихий ва маданий меросига улкан қизиқиш ҳисобга олган ҳолда, 2021 йилда Лувр музейида Ўзбекистон тарихига бағишланган кўргазма ўтказиш хусусида келишувга эришилди. Ушбу тадбир жаҳонга машҳур музейда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатлардан бирига бағишлаб ўтказиладиган ilk кўргазма бўлади.

Ташриф доирасида автомобиль транспортида халқаро йўловчи ва юк ташуш, туризм соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, Франция тараққиёт агентли-

ги билан 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш тўғрисида ахдлашув битими имзоланди.

Шунингдек, 2019-2020 йилларда ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Франция экология, барқарор тараққиёт ва энергетика вазирлиги ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт соҳасида ҳамкорлик, икки мамлакат ички ишлар, маданият вазирликлари, Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва Лувр музейи ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзаро ағдашув меморандуми каби ҳукуматлараро ва идоралараро жами 10 та ҳужжат қабул қилинди.

Музокаралар якунида имзоланган ҳужжатлар ўзаро алмашилди.

Давлат раҳбарларининг самарали музокаралари якунида эришилган натижалар Ўзбекистон билан Франция ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, уни янги амалий мазмун билан бойитишга тайёр эканининг ёрқин тасдиғи бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Лувр музейига ташриф буюрди.

Лувр – дунёдаги энг машҳур музейлардан бири, Франциянинг ўзига хос "ташриф қўғози"дир. У бадий коллекцияси бўйича жаҳонда биринчи, майдони бўйича иккинчи ўринда туради. Ушбу музейга ҳар йили қарийб 10 миллион сайёҳ келади.

Музей биноси 1190 йилда Франция Қироли Филипп-Август томонидан қалъа сифатида бунёд этилган. Лувр сўзи мазкур мудофаа қўргони номидан олинган. У бир неча аср давомида Франция қироллари қароргоҳи бўлган. Кейинчалик Версаль саройи қурилгач, 1793 йилда музейга айлантирилган.

Лувр музейида 300 мингдан зиёд экспонат сақланади. Уларнинг энг қадимгиси эразмиздан аввалги 7 асрга оиддир. Музей залларида уларнинг фақат 35 мингтаси намоиш этилади. "Милослик Венера" ҳайкали ва Хаммурапи қонуни, Леонардо да Винчининг "Жоконда" ва Ян Вермеернинг "Чевар қиз" картиналари улар орасида энг машҳурлардир.

Музей экспонатлари 6 та коллекцияга ажратилган. Фақат Шарқ коллекциясининг ўзи 24 та зални эгаллаган. У ерда бизнинг мамлакатимиз тарихига ҳам оид минглаб ашёлар бор. Жумладан, Амир Темурнинг Карл VI га ёзган мактуби, Аҳмад Яссавий мақбараси учун Соҳибқирон томонидан ясалган шамдон, қадимий қурол-аслаҳалар, битиклар ва бошқа осори-атикалар буюқ ўтмишдан сўзлайди.

Давлатимиз раҳбари музей экспонатларини томоша қилди ва улар тарихи билан қизикди. Бу ерда сақланаётган тарихий меросимиз намуналари халқимиз учун ниҳоятда қадрили ва аҳамиятли эканини таъкидлади. Ўзбекистон ва Франция музейлари ҳамкорлигида кўргазмалар ташкил этиш, археолог ва тарихчи олимларнинг илмий ҳамкорлигини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Абу Бакр ўРОЗОВ,
ЎЗА махсус муҳбири
Тошкент – Париж – Тошкент

ЛУВР МУЗЕЙИ БИЛАН МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Парижда 9 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан Лувр музейи ўртасида ўзаро ағдашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда жамғарма ижрочи директори ўринбосари Гаянэ Умерова, Лувр музейи директори Жан-Люк Мартинес мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар маданий-гуманитар соҳада ҳам юқори босқичга кўтарилаётганини таъкидлади.

Меморандумда Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва Лувр музейи ўртасида кўплаб йўналишларда ҳамкорлиқни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Жумладан, санъат ва маданият тарихи, музейшунослик, реставрация ва консервация соҳаларида илмий-тадқиқот ҳамкорлигини кўплаб-қувватлаш, Лувр музейи ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Яхё Ғуломов номидаги Археология институти томонидан олиб борилаётган Бухородаги археологик экспедицияси қазилма ишлари натижаларини оммалаштириш, мутахассислар ва тажриба алмашиш мақсадида ҳамкорлик қилиш масалалари ахс этган.

Бундан ташқари, меморандумда 2021 йил кузида Лувр музейида Ўзбекистон маданий меросига ба-

ғишланган "Буюқ Ипак йўлидаги тамаддунлар ва маданиятлар" номили кўргазмани ташкил этиш белгиланган.

Кўргазма Ўзбекистоннинг Буюқ Ипак йўли маконидаги тарихий, маданий-маърифий роли ва аҳамиятини янада кенг очиб бериш, мамлакатимизнинг бой тарихи ва бугунги ҳаётини ёритишга хизмат қилади. Кўргазмада юртимиз музейларида сақланаётган нодир осори-атикалар намоиш этилади. Ўтмишдан гувоҳлик берувчи ушбу буюмлар Ўзбекистоннинг Буюқ Ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган мамлакат сифатида қадимги савдо ва маданий алоқалар ривожига тугган ўрини ифода этади.

Мазкур меморандум имзоланиши жамғарманинг маданий алоқаларни кенгайтириш, маданият ва санъат соҳасидаги халқаро ташкилотлар ва хайри жамғармалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Абу Бакр ўРОЗОВ,
ЎЗА махсус муҳбири
Париж

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТДА ИЛМ-ФАН, ТУРИЗМ, СУД-ҲУҚУҚ СОҲАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш билан бирга илм-фан ва ташқи сиёсат борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Ана шундай эзгу мақсадларни, айлани ишларни амалга ошириш учун эса қонуний асослар зарур бўлади. Шу маънода, барча жабҳада кечаётган туб ислохотларга ҳамоҳанг бўлган пухта ва мукаммал қонунлар яратилишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

2018 йил 9 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир қатор долзарб қонун лойиҳалари қўриб чиқилган навбатдаги мажлисида депутатлар муҳокамаларга ана шу мезонлар асосида ёндашдилар. Таъкидлаш жоиз, аввалроқ барча масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати ййғилишларида муҳокама қилинган эди.

Олий Мажлис қўйи палатаси мажлиси кун тартибидан ўрин олган дастлабки масала – "Фан тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси депутатларнинг қизгин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди.

Таъкидланганидек, биринчи ўқишда қўриб чиқилган мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегия-

сини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги 2018 йил 22 январдаги Фармонининг 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда мамлакат илм-фани ва илмий салоҳиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ривожлантиришда фан ва техниканинг ҳиссасини ошириш, амалга ошириладиган илмий тадқиқотларнинг сифати ҳамда самарадорлигини юксалтириш, илм-фан, таълим, ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. "Фан тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишининг зарурати ҳам айна ана шундандир.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида Россия Федерацияси Татаристон Республикасининг "Қозон" рақс ансамбли иштирокида концерт дастури бўлиб ўтди. "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси тизимидаги ташкилотлар, халқ таълими ва маданият бошқармалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши вакиллари ҳамда талабалар иштирок этган тадбирда 50 нафар санъаткордан иборат ансамблининг чиқишлари, қўшиқ ва рақслари барчага манзур бўлди.

● Самарқанд давлат университетида 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг худудий филиали иш бошлади. Машғулотлар замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион таълим технологияларини қўллаган ҳолда вебинар, суҳбат, тренинг ва мустақил таълим шаклларида олиб борилади. Курсни муваффақиятли ўтаган тингловчиларга сертификат берилади.

● Термиз археология музейида қашқадарёлик истеъдодли расмол Лазиз Убайдуллаевнинг "Йўл-йўлакай" деб номланган кўргазмаси ташкил этилди. Унда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий расмочилик ва дизайн институти магистратурасини тамомлаган мусаввирнинг она табиат, буюқ аждодлар мероси, обод ва осойишта ҳаёт каби мавзулар ёрқин бўёқларда кенг тараннум этилган асарлари, натюрмортлари ўрин олган.

● Хивага сайёҳлар учун электромобиллар келтирилди. Автомобил транспорт агентлиги матбуот хизмати хабарига кўра шу йилнинг 19 июль куни Хива шаҳридаги "Қора кўз транс" МЧЖ билан Хитой Халқ Республикасидаги "WUZHONG COMPANY LIMITED" фирмаси ўртасида 4 донa электромобил сотиб олиш юзасидан шартнома имзоланган.

● Тошкент вилоятида Хотин-қизлар спорт ҳафталигига старт берилди. 8-13 октябрь кунлари Ўзбекистон ҳукумати томонидан "Хотин-қизлар спорт ҳафталиги" дея эълон қилинди. Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларида Хотин-қизлар спорт ҳафталигига старт берилди.

ЖАҲОНДА

● Туркиянинг Мармасидаги заргарлик дўконидан ирландиялик сайёҳ томонидан ютиб юборилган 35 минг евролик бриллиант узук эгасига қайтарилди. Маълум қилинишича 54 ёшли сайёҳ бир нафур қилинган ходим ишлайётган дўконга қариб узукни кўрсатишни сўраб сўнгра уни ютиб юборган.

● Озарбайжон экология ва табиий захиралар вазирлиги Каспий денгизининг Озарбайжонга тегишли қисми ва ички сув ҳавзаларида тутишга рухсат берилган балиқ турларини эълон қилди. Маълум қилинишича, килька, сельдь, лещ, қизилқўз, зогорабалик, лаққа балиқ ҳамда қўсқичбақасимонларни тутиш тақиқланмайд.

● Россиянинг Орёл шаҳрида троллейбус пиёдалар ўтиш қисмида одамлар тўдаси устида юриб кетди. Уч киши ҳалок бўлган, яна икки киши жароҳат олган. Ҳодиса юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ МЕДИА ФОРУМИ: ДОИМИЙ МУЛОҚОТ ВА АХБОРОТ АЛМАШИШ НУҚТАСИ

Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда илк бор Ўзбекистон – Россия медиа форуми ўтказилди.

Медиа соҳасида йирик воқеа ҳисобланган ушбу тадбирда Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация компаниялари раҳбарлари, журналистика ва ахборот технологиялари йўналиши мутахассисларини тайёрлашга ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон – Россия медиа-форумининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдухалимов, Россия Федерацияси Рақамли ривожланиш, алоқалар ва оммавий коммуникациялар вазири ўринбосари А.Волин, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Хўжаев ва бошқалар сўзга чиқди.

Ўзбекистон – Россия ҳамкорлиги кўплаб соҳаларда изчил ривожланмоқда, – деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавкулдда ва мухтор элчиси В.Тюрденев. – Бу жараёнда медиа ва ахборот технологиялари бўйича ўзаро ҳамкорлик истисно этилмагани алоҳида эътиборга молик. Шундай экан, мазкур форум икки мамлакат медиа соҳаси вакиллари ўртасидаги доимий мулоқотнинг бошланиш ва ахборот алмашиш нуқтаси бўлди.

Форумнинг дастлабки йиғилиши икки мамлакатнинг телекоммуникация соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларига бағишланди. Унда мамлакатларимиз тарихи, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида жамоатчилиكنи хабардор қилиш-

ни кенгайтириш, телекоммуникация соҳаси янгиликлари, янги технология ва хизматлар, рақамли телевидение аудиторияси таҳлиллари, аънавий телевиденининг рақобатбардошлигини ошириш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирилди.

Хусусан, Россиянинг "SPB TV" компанияси Бош директори К.Филиппов ўз чиқишида Ўзбекистон телекоммуникация бозорига мавжуд муаммоларни интернет тезлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, медиа маҳсулотлари "қароқчилик" йўли билан тарқатилишининг олдини олиш тақлифларини айтиб ўтди.

Форум ишида Россиянинг илк сунъий йўлдошли телевидение оператори "НТВ плюс" компанияси ҳам иштирок этди. Россия телекоммуникация бозорига етакчилик қилиб келаётган компания бугунги кунда ўз миқозларига турли мазмун ва йўналишдаги 280 дан зиёд телеканалларни юқори ва ўта юқори аниқликдаги форматда тақдим этиб келмоқда.

– Биз форум доирасида ўз тажрибаларимиз билан ўртоқлашдик, телекоммуникация бозорини янада ривожлантиришга оид тавсиялар бердик, – деди "НТВ плюс" Бош директори М.Демин. – Илмий ва дўстона муҳитда ўтган мулоқотдан катта қониқиб ҳис қилдим. Яна бир нарсани айтишни истардимки, форумга мезбонлик қилган Тошкент менга жуда қадрдон. Шу ерда туғилиб ўсганман. Харгал Тошкентга келганимда, она шаҳримнинг янада чирой оғанига ғувоҳ бўлман. Тошкент билан боғлиқ илмий хотиралар доим ёдимда.

Форумда Ф.Мўминов, О.Тихина, И.Мавеская каби етакчи олимлар замонавий медиа таълими

асослари ва хориж тажрибаси бўйича маърузалар қилди. Замонавий телевидение, ҳамдўстлик мамлакатлари телеракламалар бозорини ривожлантириш тенденциялари каби мавзуларда Ўзбекистон ва Россия телеканаллари ижодий жамоалари ўзаро фикр алмашди.

– Мен 30 йилдан зиёд медиа соҳасида ишлаб келаётган бўлсам, мамлакатларимизнинг айна соҳа бўйича шундай кенг қўламли ҳамкорлиги форумига биринчи марта ғувоҳ бўлиб туришим, – деди ЎзА мухбирига Россиянинг "Первый канал. Всемирная сеть" акциядорлик жамияти Бош директори А.Ефимов. – Бугун медиа соҳаси жуда тез ривожланмоқда. Бу жараёндан орқанда қўлиб кетмаслик барча эришилган ютуқлардан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Форум доирасида, шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ахборот агентликлари ўзаро ҳамкорлиги, кадрлар тайёрлаш ҳамда тажриба алмашиш масалаларига бағишланган йиғилиши ўтказилди. Унда икки мамлакатнинг ЎзА, ТАСС, "Россия сегодня" каби етакчи ахборот агентликлари вакиллари иштирок этди.

– Тошкентда бизнинг ўз мухбиримиз бор, – деди ТАСС вакили Борис Грушин. – Шунингдек, Ўзбекистон оммавий ахбо-

рот воситалари, вазирлик ва идоралар сайтларини мунтазам кузатиб, улардан узатишган ахборотлар асосида ўз аудиториямизни мамлакатингиз ҳаётига оид воқеа-ҳодисалар билан таништириб борамиз. Кейинги вақтда айна жараён ЎзАда ҳам фаоллашгани кувонарли. Агентлик узатаётган материалларда ҳамдўстлик мамлакатлари ҳаётидан сўзловчи ахборотлар салмоғи ошиб бормоқда. Мана, бир неча йилки, МДХ давлат ахборот агентликлари ассоциацияси фаолият қўрсатиб келмоқда. Мазкур ассоциациянинг ўз сайти бўлиб, аъзо ахборот агентликлари турли мавзуларда тайёрлаган материалларини унга жойлаштириб боради. Ўйлайманки, бу борада ЎзА билан ҳам ҳамкорлигини йўлга қўйсақ, ахборот алмашиш соҳасида мавжуд имкониятлардан бирини ишга солган бўлар эдик.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Россия Федерациясининг рақамли ривожланиш, алоқа ва оммавий коммуникациялар вазирилик ҳамкорлигида ташкил этилган медиа форум ўз даражаси билан икки мамлакатнинг айна соҳа бўйича ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқди.

Малоҳат ХУСАНОВА



Хабарлар

ПОЙТАХТИМИЗДА ЙИРИК ҚАНДОЛАТ ФАБРИКАСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги "Озиқ-овқат, чарм-поябзал ва фармацевтика соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ижро этиш мақсадида "Қаңдолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун соноат комплексини ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича жиддий ва кенг қўламли ишлар бошланди. Мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистонда соноат иқтисодиётини ривожлантириш ва замонавий технологик комплексларни қуриш учун инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, хусусан хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги ташкил этилган "Амилов" қандолат фабрикаси ҳам мазкур лойиҳа асосида ташкил этилган бўлиб, фабрика истеъмолчиларга турли хилдаги печенье, вафли, мармелад, маршмеллоу, карамел, шоколадли плиткаларни ва бошқа турдаги қандолат маҳсулотларини тақдир этади. Қуни кеча мазкур фабриканинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Нодир Отажонов, Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Ортиқхўжаев ва бир қатор идора ва ташкилотлар вакиллари, хорижий меҳмонлар иштирок этди.

Айтиш жоизки, фабрика маҳсулотлари замонавий жаҳон бозорига қўйиладиган энг юқори талабларга ва стандартларга жавоб беради.

Бугунги кунда фабрикада ун ва шакарли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий, автоматлаштирилган линиялар муваффақиятли йўлга қўйилди. Технологик линиялар 2018 йил ёз ойда ўз ишини бошлади. Фабрика Германия, Австрия, Дания, Италия каби давлатларнинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Шунингдек, маҳсулотларни қадоқлаш жараёнида Германия, Италия, Голландия мамлакатларининг замонавий автоматик қадоқлаш линияларидан фойдаланади.

Таъкидлаш жоизки, ускуналар барча экологик хавфсизлик талабларига жавоб беради. Янги асл маҳсулотни яратиш бўйича олиб борилаётган узлуксиз меҳнатлар нафақат бизнеснинг мамлакатда, балки жаҳон бозорига ҳам қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаси мутахассислари томонидан юқори баҳоланиб, уларнинг муносиб эътирофини олишга ва истеъмолчилар ишончини қозонишга имкон беради.

Яна бир муҳим жиҳатини таъкидлаб ўтиш кераки, ушбу лойиҳа кўплаб ёш мутахассислар учун янги иш ўринларини яратишга имкон берди. Бугунга келиб фабрикада 650 дан ортиқ малакали ходимлар иш билан таъминланган.

Фабрика Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга, давлатимизнинг бюджет даромадининг ўсишини таъминлашга, барча халқаро талабларга жавоб бера оладиган юқори сифатли ва кенг қўламли қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ўз ҳиссасини қўшади.

"ORPENEIMER" КОМПАНИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида АҚШнинг "Orpenheimer" компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда пойтахт ҳудудида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, ўзаро ҳамкорлиқни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

"Orpenheimer" компанияси вакили Тошкентнинг инвестицион жозибадорлигини кенг миқёсда тарғиб этишда кўмак беришини таъкидлади. Жумладан, хорижий инвесторларни жалб қилиш учун ҳамда пойтахтнинг жаҳон молиявий рейтингига муносиб ўрин эгаллаши учун амалий ҳамкорлик қилиш кўзда тутилмоқда.

Маълумот учун, "Orpenheimer" компанияси Америка, Европа ва Осиё китъаларида ўзининг дилерлик марказларига эга бўлиб, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва бизнес маслаҳатлар бериш билан шуғулланади.

ҲАМКАСБИМИЗ ГОЛИБЛИКНИ ҚўЛГА КИРИТДИ

"Тараққиёт стратегияси" маркази, Инновацион ривожланиш вазирлиги, БМТнинг Тараққиёт дастури ва Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг томонидан "Инновацион тадқиқотлар" миллий танлови эълон қилинган эди.

Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ходими Нурилло Тўхтасинов "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари" йўналишида "Менинг ҳуқуқларим" мобил иловасини яратиш лойиҳаси билан иштирок этиб, голиб бўлди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати**

Бугунги кунда қурилиш соҳасида пластик қувурларга талаб катта. Чунки юртимизнинг қаерига қарамаган, янги уй-жойлар барпо этилмоқда. Кўп қаватли уйлар ертўласи сув тизимини мустаҳкамлаш учун пластик қувурлар асқотади.

КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ ЮҚОРИ



Биргина пойтахтимизда ана шу эътиёни қондириш учун бир неча корхоналар ишлаб турибди. Шулардан бири "Яккасарой кичик соноат зонасида" жойлашган "IDEAL INTER BIZNES" масъулияти чекланган жамиятидир. Корхона 2015 йилда 1,2 млн. АҚШ доллари миқдоридagi сармоя эвазига ташкил этилди. Дастлаб Туркия, Хитой давлатидан янги технологиялар келтирилди. 10 киши иш билан таъминланди. Маҳсулотга талаб юқори бўлгани учун ишлаб чиқариш ривожланди. Диаметри 15 дан 110 гача бўлган пластик қувурлар ички ва ташқи бозорда харидорини топди. Ишчилар сонини 35 тага етди. Корхонада ойига 500 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

— Маҳсулотларимизда пойтахтимиздаги йирик қурилиш ташкилотлари буюртма беришган, — дейди "IDEAL INTER BIZNES" МЧК раҳбари Баҳодир Усмонов. — Айни пайтда 150 хилдаги пластик қувурлар ишлаб чиқаришмоқда. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида Ангрен иқтисодий соноат зонасида 4 гектар жой беришди. 4 млн. АҚШ дол-

ларидан ортиқ сармоя киритиш орқали технологиялар ўрнатилди. Айни пайтда 50 га яқин киши ишлаётди. Корхона тўла қувват билан ишласа, 150 киши иш билан таъминланади.

Демак, дастлаб 10 киши билан иш бошлаган корхона бугун иқтисодий тараққиётга интилмоқда. Бу билан қанчалар оилаларнинг фаровонлиги таъминланиши ҳеч кимга сир эмас.

Дарвоқе, "IDEAL INTER BIZNES" МЧК яқинда Яккасарой тумани бўйича бўлиб ўтган "Ташаббус – 2018" кўрик-танловига иштирок этиб, соноат соҳасида "Йилнинг энг яхши тадбиркори" номинасида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди ҳамда "Ташаббус"нинг Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олди. Бу ҳам корхона учун бир рағбат.

Айтиш жоизки, муваффақиятлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу тизимсиз меҳнат ва изланиш самарасида кўзга ташланмоқда. Зеро, бугунги давр талаби ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали фаровонликка эришишга қаратилган.

З.ШАРИФЖОНОВ

Жумладан, ўтказилган тадбирлар давомида бюронинг Олмазор туман бўлими томонидан Уста Ширин 1-тор қўчаси, 293-уйда жойлашган "Тошкент сув омбори қурилиш-монтаж бошқармаси" оилавий корхонасида электр ҳисоблагичга ташқаридан таъсир кўрсатган ҳолда тармоққа тўғридан-тўғри улашиб, электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланилганлиги, бунинг натижасида "Тошкент сув омбори қурилиш-монтаж бошқармаси" оилавий корхонаси давлат манфаатларига 271.287.927 сўм миқдорда зарар етказганлиги аниқланган. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида оилавий корхона томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланган.

Шунингдек, бюронинг Мирзо Улуғбек туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тежор тадбирда "Grisar Servis" шўба корхонаси раҳбарлари туман ЭТК билан шартнома тузмасдан, умумий фойдаланишдаги электр энергиясига ўзбошимчилик билан тўғридан-тўғри улашиб, электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланилганлиги ва давлат манфаатларига 21.016.716 сўм зарар етказилганлиги ошкор бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан "Grisar Servis" шўба корхонаси раҳбарияти томонидан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги туфайли жиноий жавобгарликка тортилмади. Бундан ташқари, Олмазор тумани, В.Жумаев 7-тор қўчаси, 10-уйда истиқомат қилувчи Ғафур Б.Қўлимов хонадо-

ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТДА ИЛМ-ФАН, ТУРИЗМ, СУД-ҲУҚУҚ СОҲАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳаси билан илмий ва илмий-техникавий фаолият соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи органларнинг ваколатлари, илмий ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳамда давлат илмий-техникавий экспертизаси, илмий ва илмий-техник натижаларнинг илмий ва илмий-техник самарасини, иқтисодий самарадорлиги ва амалий аҳамиятини комплекс тарзда баҳолаш ва мониторинг қилиш белгиланмоқда. Шунингдек, яна бир муҳим жиҳат – илмий ва илмий-техникавий фаолиятни молиялаштиришнинг асосий принциплари, манбалари ва шакллари кўрсатиб ўтилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши илмий ва илмий-техникавий фаолият соҳасидаги ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тартибга солинишини таъминлайди.

Шу билан бирга, илмий ва илмий-техникавий фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг яхлит бир ҳолатга келтирилиши илмий ва илмий-техникавий фаолият соҳасида ҳуқуқий муҳитни юзага келтиради ҳамда илмий ва илмий-техникавий фаолият барча иштирокчиларининг самарали алоқаларини таъминлаш имконини беради.

Қизғин муҳокамалардан кўнун лойиҳаси бирин-

чи ўқишда қабул қилинди.

Сўнгра депутатлар янги тахрирдаги "Туризм тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга киришдилар.

Айни пайтда мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бораётган туризмни жадал ривожлантириш учун ҳар томонлама пишиқ ва мукамал бўлган ҳуқуқий асос зарур. Бундан 19 йил аввал қабул қилинган "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бугунги давр талабларини бажара олмаётгани бор гап.

Биринчи ўқишда депутатлар эътиборига ҳавола этилган "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси эса, депутатларнинг таъкидлашича, юртимизда замонавий, юқори самарали ва рақобатбардош туризм тармоғини шакллантириш учун ҳуқуқий шароитлар яратишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасида мамлакатда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун ташкилий шароитлар яратиш, туризм жабҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлиги, аниқлиги ва мослашувчанлигини таъминлаш, шунингдек, туризм соҳаси субъектлари фаолиятининг субфоглигини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни шакллантириш ҳисобида барча даражадаги бюджетларга туризмдан тушадиган даромадларни ошириш, қонунларимизни туризм соҳасидаги муноса-

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Бюрога юклатилган вазифаларни ижро этиш даврида, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

нида ҳамда Учтепа туманидаги "Baypak Textile" корхонаси ҳам электр ҳисоблагичга ташқи таъсир ўтказилганлиги оқибатида энгрияга қувватини кам ҳисоблаётганлиги ҳолатлари аниқланган ва тегишли чоралар қўрилган.

Бу каби энгрия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари истеъмолчилар томонидан бартаф этилгандан сўн энгрия ресурслари тармоғига қайта улашда жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорда, юридик шахслардан эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорда тўлов қайта улашнинг амалга оширган ташкилот ҳисобида маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

Шу билан бир қаторда, Бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан энгрия ресурсларини етказиб бериш, истеъмол қилиш ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига сўзсиз риоя этилиши, энгрия ресурслари истеъмолчиларининг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қўрилмоқда.

**Фуркат ТАДЖИ-АГЛАЕВ,
Мажбурий ижро
бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси
катта инспектори**



Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўлмалли ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар натижасида маҳалла ноёб, дунёда ўхшаши бўлмаган тузилмага айланди, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўлрлаштириш жараёнида фаол иштирок этишлари учун мустақам замин яратилди.

Президентимизнинг 2017 йил 3 февралда қабул қилинган "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу йўлда гоёт муҳим ҳуқуқий қадам бўлди.

Хусусан, ушбу Фармонга мувофиқ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслаҳатдоши ва қўмақдошига айлантириш ҳамда маҳалла тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, ёшларни она Ватанга муҳаббат, ҳалқимизнинг қўп асрлик анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, кекса авлод вакиллариининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимни жорий этилди. Бугунги кунда ушбу Фармон ижроси ва тизимга оид бошқа қонунлар, меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар асосида иш олиб бораётган Чилонзор тумани Маҳалла кенгаши бошқаруви мисолида фикримизни давом эттирамиз.

Чилонзор туманида 51 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, унда 251 997 нафар аҳоли, 84 765 та оила тинчлик-тотувликда умргузаронлик қилиб келмоқда.

Бугун туманда Президентимизнинг юқорида таъкидланган Фармони ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижроси йўлида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан жорий йилнинг июнь ойида Чилонзор тумани Маҳалла кенгаши учун "Маҳалла маркази"нинг янги биноси қуриб битказилди. Бино Тошкент шаҳар "Маҳалла" фонди томонидан зарур мебель жамланмаси, компьютер техникаси ва бошқа жиҳозлар билан жиҳозланди.

2017-2021 йиллар мобайнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болалар спорт майдончалари, маийш хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш чора-тадбирлари бўйича туман маҳаллалари ҳудудларида 30 та болалар майдончалари, 2 та болалар спорт майдончалари барпо этилди, 4 та маҳаллага компьютер, 2 тасига принтер, 5 та маҳаллага мебель олиб берилди.

"Замонавий маҳалла" лойиҳаси асосида жорий йилда 38 та маҳалла биноси янгидан қурилиши ва реконструкция қилиниши белгиланган бўлиб, бугунги кунда "Бешқўрғон", "Бозор", "Фидокор", "2-Чарқ Камолон", "Шарқ тонги" каби бир қатор маҳаллалар янги бинода иш бошлади. Қолган маҳаллаларда ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари низоҳасига етиш арасида.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳалла раиси (оксо-

қоли), маҳалла хотин-қизлар ишлари бўйича мутахассиси, маҳалла масъул котиби, маҳалла посбони жамоат тузилмаси раҳбари, шу билан бирга маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик асосида 2 нафар, яъни ёшлар билан ҳамда кексалар ишлари бўйича раис ўринбосарлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларининг иш фаолиятини такомиллаштириш ва уларга амалий, услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман Маҳалла кенгаши томонидан Фуқаролар йиғини масъул котиблари, Яраштириш комиссиялари раислари, маҳалла раислари учун бир қатор ўқув семинарлари ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, фуқаролар йиғинлари ходимларининг иш фаолиятини танқидий қўриб чиқиш юзасидан "Зарқўрғон", "Фидокор", "Ботирма", "Бўрижар", Лутфий номли маҳалла фуқаролар йиғинларининг иш фаолияти ўрганилди. Аниқланган камчиликлар маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгаши, йиғинларидида муҳокама этилди. Жумладан, Лутфий номли маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти салбий баҳоладди. Шундан келиб чиққан ҳолда маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларининг иш фаолиятини такомиллаштириш бўйича ҳар бир ходим фаолиятида йўл қўйлаётган камчиликларни тўзатиш, улар олдига турган долзарб вазифаларни тушунтириш бўйича урчушулар ўтказилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинимаси томонидан жами 64 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга бир маротабалик 13,9 млн. сўмлик ҳоимийлик ёрдами, 448 та оилга 22,4 млн. сўмлик эсдалик совғалари ҳамда 2 та етим болаларнинг олий таълим муассасаларига 6,6 млн. сўмлик контракт пуллари тўлаб берилди.

Шунингдек, тумандаги Гавҳар номли маҳаллада жойлашган Дилхўш кўчаси, 38-ётоқхонада вақтинча жойлаштирилган 12 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Сергели туманидан 5 нафар ва "Қорасу" даҳасидан 7 нафарига уй-жой ажратилди.

Маҳаллаларда оксоқоллар фикри муҳим аҳамиятга эгаллини ҳисобга олиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" мавзусида тарғибот тадбирлари ташкиллаштирилиб келинмоқда.

Шу билан бирга аҳолининг бандлигини таъминлашга эътибор қаратган ҳолда маҳаллаларда меҳнатга лаёқатли, банд бўлмаган аҳоли учун тумандаги Фафур Фулом бонди, Чилонзор педагогика коллежида туман Бандликка қўмақлашувчи марказ ҳамкорлигида Меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда фуқаролардан 125 нафари ўз мутахассислиги бўйича иш топти. 6 ой давомида банд бўлмаган аҳолини аниқлаш ва уларни ишга жойлаштириш чора-тад-

Маҳаллани эзгуликлар ўчоғи деб бежизга айтилган.
Чунки инсонлар кўнглида аҳиллик, меҳр-мурувват,
оқибат каби эзгу хислатлар айнан маҳаллада ривож
топади. Бу гўшадаги хотиржамлик эса энг улугъ неъмат —
осойишталикдан дарак.

бирлари асосида маҳаллалардаги 1423 нафардан ортик ишчилар бандлиги таъминланди.

Туман кенгаши ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ҳафтининг ҳар шанба кўнлари "Маҳаллада ёшлар билан мулоқот" кўнлари ўтказилиб, турли мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Жумладан, "Хирмонтепа" маҳалла фуқаролар йиғинида "Ўз болангни ўзинг асра" мавзуси доирасида чет давлатларга ўзоқ мuddатга чиқиш ҳолатларининг салбий оқибатлари ҳақида, "Яккатут" МФЙда "Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмушнинг олдини олиш"га бағишланган тиббиёт ходимлари билан учрашув, "Қутарма" МФЙда ўқувчи-ёшларнинг тўлақонли давоматини таъминлаш, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш мавзусида давра суҳбати, "Яккабоғ" МФЙда "Ёшлар — келажак бунёдкори" мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди. Эътиборлиси ўтказилаётган давра суҳбати ва урчушуларда мунтазам дарс қолдираётган ўқувчилар муаммолари ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар қўрилди. Шунингдек, 17 та касб-ҳунар коллежлари битирувчи ўқувчилари ўртасида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлганларга имтиёзли банк кредитларини ажратиш юзасидан тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Тадбирга "Ипотека банк", "Ориент финанс банк", "Ўзсаноатқурилиш банк", "ТИФ Миллий банк" тижорат банклари

ҳодимлари ҳам жалб этилди. Ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мақсадли ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида ойма-ой ҳисобот берилиши ва қўнлик маълумотларни маҳалла фуқаролар йиғинларига тақдим қилиш тизими йўлга қўйилиб, ҳафтининг ҳар пайшанба кўнлари "Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш" мавзусидаги "Инсон жиноятчи бўлиб тугилмайди", "Менин маҳаллада жиноят содир этилмаслиги керак" мавзуларида тадбирлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга ҳудудимиздаги жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий, маийш ва ишга жойлаштириш ёрдам кўрсатиш борасида уларнинг бандлигини таъминлаш ва маҳалла фаолларидан мураббийлар тайинлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жиноятларнинг олдини олиш мақсадида айрим маҳаллаларда видеокузатув мосламалари ўрнатилган, видеокузатув мосламалари мавжуд бўлмаган маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ўтказилган ҳамкорлик ишлари, тадбирлар, давра суҳбатлари, тарғибот ишлари натижасида ўтган давр мобайнида жиноятлар сонининг камайишига эришилган. "Шарқ тонги", "Хонтули", "2-Қатортол", "Кичик Хирмонтепа", "1-Чарқ Камолон" маҳаллаларида эса умуман жиноят содир этилмаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, турмушимиз фаровон, ҳар биримиз эзгу мақсад сари интилиб йшамокдамыз. Бу ҳар биримиз учун биринчи галдаги вазифа, улкан масъулият бўлиши лозим.

Ҳамза НОРМУРҲОВ,
Чилонзор тумани Маҳалла кенгаши
бошқаруви раиси



ОБОДЛИКДАН ДИЛ ЯЙРАЙДИ

Маҳалланинг ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги ўрни ва таъсири беқиёс.

Айниқса, аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришда, "Қўнлик давлатдан — қўнлик фуқаролик жамияти сари" таъмоилининг ҳаётдаги амалий ифодасини қарор топтиришда маҳалла муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан маҳалланинг нуфузини кўтариш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида бугун нафақат мамлакатимизда, балки хориж давлатларида ҳам ушбу ноёб бошқарув институтининг фаолиятига катта қизиқиш билдирилмоқда.

Биз Шайхонтоҳур туманида жойлашган Хувайдо маҳалласига кириб келганимизда юқоридаги фикрлар бежизга айтилмаганига ғувоҳ бўлдик. Ушбу сўйим ва ораста, қўнарларига гулу чечаклар барқ урган, бир-бирига меҳрибон, юзи нузли, гап-сўзлари маъноли нурунийлар, юрганда ебгидан гўё ўт қақаётган чаққон, ҳаракатчан ёшларни кўрганда шундай фикрга қелдик. Маҳалла гузарини топиш қийин бўлмади. Замонавий, янги қаватли, кўркам маҳалла гузарни кўрган қўларни қувнатиб, салобат билан турибди. Маҳалла гузарини айланар эканмиз бири-биридан қўлай, шинам хоналарда маҳалла оқсоқолдидан тортиб барча ходимлар учун барча шарт-шароитлар яратилган, болажонларнинг яйраб тўп ўйнашлари учун қўм-қўқ футбол майдонлари ҳам қўрилганидан кўнглимиз фаҳрга тўлди, беихтиёр мана бўлар эканку, "отанга раҳмат" дегимиз келди.

Президентимиз ҳар бир қишқирларида эф асосий мақсадимиз одамларни рози қилиш, уларга муносиб турмуш шароитини яраттириш, деб таъкидлаб ўтадиган. Элу юрт ичида юрган ҳар бир раҳбар, у қайси соҳада бўлмасин ушбу фикрларни ўзинга шиор қилиб олмоғи керак, — дейди Хувайдо номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илхомқўжа Асодов. — Ҳозирги кунда маҳаллаларга берилаётган катта эътибор, ғамхўрлик, шу билан бирга ярати-

Мулоҳаза

ФАРЗАНД — БҮЮК НЕЪМАТ

Она учун дунёда фарзандидан азизроқ, фарзандидан суюқлироқ битик йўқ. Юраги остида тўққиз ой кўтариб юрган, уни деб тунларни бедор ўтказган, келажатига кўз тикиб куну тун меҳнат-машаққат чеккан ҳам она.

Шунинг учун ҳам ҳамиша оналар азизу муқаррам этилиб, меҳр-муҳаббатда эъзозлаб келинган. Дарҳақиқат онадек меҳнатқаш, меҳрибон, мушфиқ, камтар-камсуқум хилқат бормикан ўзи. Фарзанди, жигарбанди учун у ўзидан, орзу-хавасларидан, керак бўлса ширин хонидан кечишга ҳам тайёр. Ҳатто бу вақтда ўйлаб ҳам ўтирмайди. Шу сатрларни ёзар эканман, ижтимоий тармоқларда ёзилаётган, телевидение орқали кўрсатилиб қўллаб шов-шувларга сабаб бўлаётган, "она боласини бунча пулга сотаётган экан, қўлга тушди" деган гапларни эшитиб, қор ларзага келади, гўёки жисми-жонингизга ға ўт келиб, қақшаб қоласиз. Наҳотки онадек улут зот мана шундай қабиҳ ишга қодир бўлса? Бу бир англашилмовчилик бўлдимикан, деб ўйлаб ҳам қоласан. Лекин, афсуслар бўлсинки, бу рост бўлиб чиқади. Ешгина қизнинг фибрибгарлик, ўғирликка қўл уриб судининг қора курсисига ўтириши ёки ота-она, элу юрт юзини шувут қилиб фоҳишалик қўчасига киргани, буни иснод деб бўлмаётган, арзимаган гап-сўзларни рўқач қилиб оилаларнинг ажрашиб кетаётганлиги, норасида гўдакларнинг етим бўлиб қолётгани қанчалар аламли. Бунинг сабаби қаерда экан, тарбиядаги оқшамми, оиладаги носоглом муҳитми ёки қондош-жондош бўлган яқинларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги, "Сен менга тега, мен ҳам сендан нариман" деб белгисан, четқорда қоришларига?

— Мени ҳам она, ҳам аёл сифатида ушбу саволлар мудом қийнаб келади, — дейди "Бўстон" маҳалласида яшовчи Фарида ая Атаметова. — Эшитган гапларимнинг қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқат эканини билган эса нима қилсак экан дея, ўйлаб ўйимга етолмайман. Бу борада ҳаммамиздаги пиру бадаялат, кекса атоҳоллар, олиму шифокор бўлган аёллар билан келишиб, маслаҳатлашган ҳолда сулув келинчалардан тортиб балоғат ёшидаги қизлар билан мудом ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, оила аталмиш буюк кўргоннинг сиду синоатлари тўғрисида, қизларнинг ибто-хаёли, сабр-бардошли бўлиши лозимлиги ҳақида қизқарли, дўстона учрашулар, давра суҳбатлари, тадбирлар ўтказиб келамиз. Мақсадимиз ҳеч кимнинг кўнглига тегиш, ақл ўргатиш эмас, балки содир этилиши мумкин бўлган турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, қанча яхши ниятлар билан вояга етказётган ўғил-қизларимизнинг бахтини кўриш, набирю чеварлар даврасида ёшларимизга тан-сиқатлик, хотиржамлик тилашдир. Чунки ёшларимизга бугун, улар энди тетапоя қилаётган вақтидан тўғри тарбия берсақинча, эртага "аттанг" деб бармоқ тишлаб қолмаймиз.

Ҳа, ҳақ гап. Ўзининг ҳусну малохати, ўткир зехни, ақли-одоби, ифрату нафосати, ибюю ҳаёси билан бутун дунёга таърифи кетган Шарқ аёлининг зурриёдларимиз, издоҳларимиз, босган изларининг давомчиларимиз. Ҳар қандай хобатда шунга муносиб бўлмоғимиз керак. Бу борада ўзимиз уларга илоҳат бўлиб тўғри йўлни кўрсатишимиз лозим. Токи аёллик бахти, шаъну шавкати, қадр қиммати, меҳр тафти оила аталмиш муқаддас даргоҳда эканини ҳеч ким унутиб қўямасин. Хаёлий, пуч орзу-ниятларга эргашиб ўз бахти-тахтини чет давлату кўча-кўйдан изламасин.

Зеро, фарзанд — буюк неъмат. Дунё тамаддузини ҳайратга солган, буюк алоамаларни тарбиялаган оқила оналаримиз ўғилларидан хулоса қилиб, фарзандларимизга чиройли таълим-тарбия берайлик, бу биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Шахризода МУҲСИМОВА

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Тиббий таълимдаги ислохотлар — соғлиқни сақлаш тизимини тараққий эттиришнинг муҳим мезонларидан бири" мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов тиббиёт соҳасини замонавий фикрлайдиган, чуқур билимли, масъулиятни ҳис этадиган, ҳар жиҳатдан етук кадрлар билан таъминлаш долзарб масалалардан эканини таъкидлади. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳаси учун 7 та олий тиббий таълим муассасаси ва уларнинг 4 та филиалида малакали кадрлар тайёрланмоқда. 2017 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали, жорий йилда эса Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиали фаолияти йўлга қўйилиши ҳудудларда тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш имкониятини кенгайттирди. 2018 йилда ушбу олий таълим муассасаларини бакалаврият йўналишида 2000 нафар талаба тугатиб, ишга йўланма олган бўлса, 4 минг 395 нафар йигит-қиз талаба бўлиш бахтига мушарраф бўлди.

Бугунги кунда ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларини малакали шифокорлар билан таъминлаш масаласи ҳам долзарбдир. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, кейинги йилларда давлат грантлари асосида бакалавриатура йўналишида мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли қабул квоталари бўйича қабул йўлга қўйилган. Ушбу квоталар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмаларига мувофиқ, юқори малакали тиббиёт кадрларига эҳтиёж катта бўлган ҳудудлар талабига кўра белгиланаётир. 2017 йилда 1 минг 180 та, жорий йилда 1 минг 548 та квота шакллантирилди.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Андижон, Сирдарё вилоятларида умумий амалиёт шифокорига бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланмоқда. Бирламчи тиббиёт муассасаларидаги тор мутахассислар етишмовчилиги клиник ординатура, магистратура, қисқа муддатли қайта тайёрлов курслари битирувчилари ҳисобидан 2020 йилгача тўлиқ бартараф этилади.

Тиббий таълим тизимида халқаро ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. Кейинги йилларда юртимизнинг тиббиёт йўналишидаги олий ўқув yurtлари 20 дан ортик хорижий таълим муассасаси билан ҳамкорлиқни йўлга қўйди. Ушбу ҳамкорлик асосида Жанубий Кореяда 40 нафар ўзбекистонлик талаба тахсил олмақда. Жорий ўқув йилида Тошкент давлат стоматология институтида Москва давлат тиббиёт-стоматология университетининг "Стоматология" ва Италиянинг Турин политехника университетининг "Биотиббиёт муҳандислиги" таълим йўналишлари очилди.

Айни пайтда шифокорлар малакасини ошириш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилапти. Бу борада шифокорларни хориждаги етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга малака ошириш учун юбориш, хорижий мутахассисларни таклиф қилиш тизими йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда. Жорий йилда 500 дан ортик ёш мутахассис чет элда малака оширган, 400 га яқин хорижлик мутахассис мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида маҳорат дарслари ўтгани соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади, албатта.

Тиббий олий таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлаш баробарида тиббиётнинг долзарб масалалари бўйича илмий излаишлар ҳам олиб борилмоқда. Натижада кейинги йилларда 226 та ихтирога ва фойдали моделларга патент, 186 та ЭҲМ дастури учун ғувоҳнома олинди.

Моҳиғул ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Шоира МУҲАМЕДОВА
Тимур Камилов олган сурат



СПОРТСЕВАР ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Роҳат" автодромида автоспортнинг картинг тури бўйича Тошкент шаҳар очиқ кубоги учинчи босқич ва финал мусобақаси ташкил этилди.

Спорт мусобақаларида Тошкент, Сирдарё, Наманган ва Тошкент вилоятлари спорт клублари спортчиларининг иштироки уни янада қизиқарли ўтишига сабаб бўлди. "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан "Бектемир ўқув СТК" ташкилотчилигида ўтказилган шаҳар кубоги финал мусобақасида 22 нафар вояга етмаган ёш спортчи ва 20 нафар 18 ёшдан катта бўлган спортчи иштирок этди. Мусобақа Низоми шартларига кўра мусобақалар "Микро-50", "Мини-60", "125 К", "КР", "КЗ", "125 М" ҳамда "250см.куб" синфларида бўлиб ўтди.

Тадбирда дастлаб "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг спорт ишлари бўйича ўринбосари Абдумажид Джалалов сўзга чиқди. У ўз сўзида автомобиль спорт мусобақаси қоидаларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан таништириб, бир қатор спорт мутахассисларига тегишли Низоми талабларини бажарганлиги муносабати билан ҳакамлик бўйича қитобчалар

ни тантанали равишда топшириб, барча мусобақа иштирокчиларига омад тилади. Мусобақа ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни спортнинг техник ва амалий турларига кенг миқёсда жалб этиш мақсадида ўтказилди. Иштирокчилар ўз жамоалари ва клублари шаънини ҳимоя қилиш учун ғолиблик учун астойдил ҳаракат қилдилар. Ёшларимизнинг олий ўрин учун бор куч-қувватини ишга солиб, маррага биринчи бўлиб етиб келишга ҳаракат қилишгани бунинг аққол далилидир.

Турли синфлар бўйича ва умумжамоа ҳисобида ғолибликлар, шунингдек, "Энг ёш ўғил бола спортчи", "Энг ёш қиз бола спортчи" ва "Ғолиблик сари интилиши кучли ва фаол" бўлган спортчилар аниқланди. Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилотининг кубок, диплом, эсдалик совғалари ҳамда Тошкент вилоят "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Олимпиада – 2018

ЎСМИРЛАР ОЛИМПИАДАСИДА НАВБАТДАГИ МЕДАЛЬ

Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида III ёзги ўсмирлар Олимпия ўйинларининг илк кунинда таэквондочимиз Улуғбек Рашидов делегациясимизга кумуш медални қўшиб қўйган эди.

Ўсмирлар ўртасидаги тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаларидан бўлган мазкур Олимпия ўйинларининг дзюдо баҳсларида Нилуфар Ермагамбетова мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Нилуфар илк жангида панамалик Немесис Канделони мағлубиятга учратди. Ярим финалда мўгу-

листонлик Сосорбарам Лкагасуренга имкониятни бой берди. Бронза медални учун кечган жанг-да эса Пуэрто-Рико вакиласи Сеири Колонни мағлуб этди.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоасининг ўсмирлар Олимпия ўйинларидаги медаллари сони иккитага етди.

Параосиё – 2018

ЮРДОШЛАРИМИЗ ОСИЁ ВА ЖАҲОН РЕКОРДИНИ ЎРНАТИШМОҚДА

Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида III ёзги Параосиё ўйинларида Ўзбекистон делегацияси аъзолари муваффақиятли иштирок этмоқда.

Айниқса, енгил атлетика баҳсларида қатнашган атлетларимиз юқори натижаларга эришди. Жумладан, ядро улоқтиришда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган Хусниддин Норбеков 16,35 метр натижага қайд этган ҳолда жаҳон рекордини ўрнатди ва мусобақа ғолибига айланди.

Шунингдек, узунликка сакрашда Камолхон Абдуллаева, найза улоқтиришда Александр Свечников, ядро улоқтиришда София Бурхонава, найза улоқтиришда Розия Эргашева олтин медалларни қўлга киритди. 200 метрга югуришда Сабина Суҳанова марра чизигини учинчи бўлиб босиб ўтди ва

бронза медалига сазовор бўлди.

Сув спорти турининг 100 метр масофага эркин усулда "S13" йўналишида Ислом Асланов олтин медални қўлга киритган бўлса, Музаффар Турсунқўжаев кумуш ҳамда Дмитрий Хорлин бронза медални билан тақдирланди. Шунингдек, икки киши керакки, И.Асланов нафақат мусобақа ғолиби, балки, Параосиё ўйинлари рекордини (51:71 сония) ҳам ўрнатди.

Мазкур масофада аёллар ўртасида ўтган баҳсларда Фотимахон Амилова 58,66 сония натижа билан Параосиё ўйинлари рекордини ўрнатди ва делегациямиз ҳисобига наватдаги олтин медални қўшиб

қўйди. Ушбу масофада яна бир вакилимиз Шохсанамхон Тошпўлатова кумуш медалга соҳиби бўлди.

Дзюдо бўйича ўтган беллашуларда Шерзод Намозов ва Ўткир Нигматов ўз вази тоифаларида олтин, Лобар Хуррамова кумуш, Севиш Саллаева эса бронза медалини қўлга киритди.

Пауэрлифтингда ваэни 55 килограммгача бўлган аёллар ўртасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Роза Қўзиёева 113 килограмм натижани қайд этиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига қўтарилди.

Жавоҳир ТОШХУҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

ТИЛ ЎРГАТИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШЯПМИЗМИ?

Дунёдаги энг кўп тарқалган тиллар рўйхатида инглиз тили юқори ўринни эгаллайди. Шу боисдан ҳам коммуникация ҳажмига кўра бу тил турли мамлакатларда кенгроқ қўлланилиб келинмоқда. Имкониятлари кенг бўлгани сабаб жаҳоннинг 47 та мамлакатидеда инглиз тилида алоқа қилинади.

Юртимизда ҳам барча ўқув юртли, коллеж, мактаблар, ҳаттоки мактаб-гача таълим муассасаларида ҳам инглиз тили босқичма-босқич ўргатилади. Инглиз тили дарслари қанчалик мукаммал ўқитилмасин, мактаб ва коллежлардан олий ўқув юртига келаётган ўқувчиларда бу фани ўзлаштириши бўйича баъзи муаммолар кўза ташланмоқда. Ўқитувчилар инглиз тилини ўқитишда ўқувчиларга замонавий методикалардан кам фойдаланиши муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Тошкент давлат юридик университетининг беш йўналишида таълим олаётган талабалар уч хил тил бўйича сабоқ олишади. Ўқитувчилар немис, француз ҳамда инглиз тили дарсларини ўқитишда бироз мураккабликларга дуч келишади. Бойси мактабда ўқувчиларга тил ўрганишда озғани ва ёзма нутқларига кам эътибор қаратилади. Натижада 1-курсга қабул қилинган талабалар нутқда жиддий хатоликлар қўзғатилади.

Бугун тил ўргатишдаги янгиликларга — IELTS дастури асосида ўқитиладиган мавзулар қаради. Бу дастур орқали ўқувчида READING — ўқиш, WRITING — ёзиш, LISTENING — тинглаш ҳамда SPEAKING — сўзлашиш маҳорати шакллантирилади. Аммо барча талабалар ҳам IELTS бўйича маълумотга эга эмас. Шу боис асарини муаммо талабаларнинг Speaking — сўзлашиши билан боғлиқлигига бориб тақалди. Чунки уларнинг кўпчилиги грамматикани билади, лекин сўзлашиш маҳорати яқини шаклланимаган.

Бундан ташқари, талабаларнинг ёзма нутқлари ҳам талабга жавоб бермайди. Барчамизга маълумки, ёзма нутқнинг компонентига ўқиш ва ёзув қиради. Ёзув — ёзма нутқнинг ажралмас компонентидир. Ёзув ҳам нутқ фаолияти ҳисобланади. У орқали маълумот алмашилади. Инглиз тилини ўргатишда ёзув муҳим ўрин тутади. У орқали ўзига ахборот, маълумот берилади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ёзув нутқ фаолиятидир ва уни ўқувчиларга мукаммал ўргатишимиз зарур.

Мазкур муаммоларнинг олдини олиш мақсадида дарс машғулотидан ташқари талабаларнинг ўзига алоҳида топшириқлар берилиши ижобий натижаларни беради. Масалан, new words for enhancing lexical resources машқули ўқитишдаги бўйлигини оширишга хизмат қилади.

Мактаб ва коллежларда ўқувчиларни замонавий методикалар асосида ўқитишга оқоридиган каби муаммолар баргараф этилган бўлар эди. Ўқитувчи ўзи замонавий методикаларни яқини билиб, ўз устида кўпроқ ишлаб сабоқ берса ўқувчилар олий ўқув юртиларида тил ўрганишда муаммога дуч келмайди. Мактаб даридаёқ ўқитишда кўпроқ мустақил ишлашга топшириқлар берилиши ўқувчини ҳам ишлашга, кўпроқ ўрганишга уқайди.

Дилсўз ЗОЙИРОВА,

Тошкент давлат юридик университетининг
Тил ўргатиш кафедраси инглиз тили ўқитувчиси

ҚОВОҚНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аҳолининг озик-овқат маҳсулотлари билан етарли ва сифатли даражада таъминланишида полиз экинлари муҳим аҳамиятга эга. Яқин йилларда Ўзбекистонда полиз экинларининг ҳосилини янада ошириш, шу жумладан қовоқ етиштиришни ва унда янги технологик усулларни қўллаш кенг фойдаланилмоқда.

Полиз экинларидан бири қовоқ — бебаҳо шифобахш ва озуқа маҳсулотидир. Таркибидаги оксиллар, углеводлар, витаминлар ва минерал тузлар миқдори бўйича сабзавот экинларидан устун туради.

Қовоқ меваси таркибида 0,5% оксил, 0,2% ёғ, 5,5 — 11,6% канд, 2,0% крахмал, 1,14% клетчатка, 1,0 гр. протеин, кўпгина минераллар: 170 мг. калий, 40 мг. кальций, 14 мг. натрий, 0,8 мг. темир ва кўп миқдорда пектин, 1,5% мг. каротин, В гуруҳ витаминлари, РР витамини ва бошқа витаминлар мавжуд.

Соғлом овқатланишда қовоқнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Қовоқнинг мағзи, эти, қуритилган ва қуритилмаган уруғи, шарбати, гули, пояси, илдизидан тиббиётда кенг фойдаланилади. Қовоқ таомлари гипертония касаллиги, сурункали юрак етишмовчилигида, сурункали гастрит, сурункали гепатит, сурункали диабетит, ичак саратони, қандли диабет ва камқонлиқнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Қовоқ таркиби пектин ва витаминларга бой бўлганлиги сабабли ҳомиладорликда эрта токсикозларни, қўнғил айланиши ва қайт қилишнинг олдини олишда уни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Қовоқ таркибидаги фолат кислотаси, ҳомила умуртка поғонасида туғма нуқсонларни юзага келишининг олдини олади. Магний ва А витамини эса ҳомилагини суяк ўсишини тез-

латади ва бўғимларни мустаҳкамлайди.

1 ёшгача бўлган болаларнинг овқатланишида кўрак сути муҳим ўрин эгаллайди, чунки унинг таркибидаги витаминлар бола учун энг қулай озуқа-қадир. Аммо 1 ёшга келиб, она сути боланинг жадал сурутда ўсиб ривожланиши учун ҳаётини муҳим моддалар билан таъминлаб бера олмайди. Айнан шу даврда рахит, кам витамин, камқонлиқ, экссудатив катарал диатез каби касалликлар пайдо бўлиб унинг ривожланишини секинлаштирилади. Бу ҳолат эса ўз навбатида 1 ёшгача бўлган болаларни овқатланиш рақибига қўшимча таомлар киритилишини тақозо этади. Болаларга қовоқ муҳим парҳез ва даволоччи сабзавот бўлиб овқатлантиришда кенг қўлланилади. Бошқа сабзавотларга нисбатан қовоқ қимёвий таркиби жиҳатидан пектин моддаларига, аскорбин кислотасига, каротин, А, В, Е, К витаминларга бой маҳсулотдир. В витаминлар боланинг нормал жисмоний ривожланиши таъминлаб, суяк тўқимаси, бутун организмнинг ўсиш жараёнини кучайтиради ва инфекцияларга турғунлигини оширади.

Кекса ёшдаги кишилар организмига қовоқнинг шифобахш таъсири шундан иборатки, қариялар организм учун зарур бўлган углевод, крахмал, С витамини, азот моддалари, органик кислоталар, клетчаткалар, пектин моддалари етарлича мавжуд. Уруғи таркибида 45-48% гача ёғ

бўлиб атеросклероз ривожланишига ва гижжа касалликларига қарши таъсир кўрсатади. Қовоқни микроэлементлар ҳазинаси десак муболага бўлмайди ва у қариялар организмидеда жуда яқини ҳазм бўлади. Бунга сабаб таркибда етарли даражада ўсимлик клетчаткаси ва сув мавжудлигидир.

Қовоқ ва бошқа сабзавотларни мунтазам истеъмол қилиш ёш улғайиб борган сари инсонларда қулатиладиган оғир юрак қон-томир, ошқозон-ичак ва бошқа қатор касалликларнинг олдини олишга имконият яратди ва кексалликда фаол умр кўришга ёрдам беради.

Қовоқ истеъмол қилиш нафақат соғлом инсонларга, балки касалликларда ҳам шифобахш таъсир кўрсатади. Буларга ошқозон-ичак тизими касалликлари, юрак қон-томир касалликлари ва модда алмасинуви бузилишида, нафас йўллари касалликларида, ревматизмда, камқонлиқли даражада, қандли диабет, семизлик, уйқусизлик ва стрессда, тери касалликларида, гижжаларни ҳайдашда, онкологик касалликларда, подаграда ва бошқа бир қанча касалликларни даволашда ва олдини олишда фойдаланилади.

М.ИБРАГИМОВА, И.МАХМУДОВА,
Тошкент тиббиёт академияси
хузуридаги Республика
диетология ўқув-илмий
маркази услубчи ходимлари

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИГА САЁХАТ

Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларни ўзи хоҳлаган касбни эгаллашига йўллаш, таълим, билим-кўникмаларни пухта эгаллашида ёрдам кўрсатиш ва давлат органлари фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида "Тошкент-АЭРО" ихтисослаштирилган божхона комплекси Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда умумтаълим мактаб ўқувчиларининг И.Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропортига экскурсияси амалга оширилди.

Экскурсия аъзолари аэропортнинг фаолияти, унда хизмат олиб бораётган давлат органлари ва авиакомпаниялар вазифалари ҳамда улар томонидан амалга ошириладиган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Саёхат "Тошкент" халқаро аэропортининг учиб кетиш залига кириш билан бошланди. Ушбу залда Тошкентдан МДХ ва Европа давлатларига, шунингдек, АҚШ йўналиши билан учиб кетаётган йўловчилар қай тартибда рўйхатдан ўтишлари, қўл юки ва багажларини топшириш таъминоти ҳақида маълумот берилди. Божхона назорати худудидан ўтиш қоидалари, йўловчининг божхона декларациясини тўлдириш шартлари ҳамда божхона ходимлари томонидан амалга ошириладиган божхона назорати шакллари бўйича қисқача тушунчалар бериб ўтилди. Ундан сўнг паспорт назорати бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар изохлаб ўтилиб, Авиация хавфсизлиги хизмати ходимларининг иш олиб бориш услублари тушунтирилди. Шунингдек, фаолият давомида аниқланган маъмурий ва жинойи ҳуқуқбузарликлар ҳамда божхона хизмати инспекторларининг хатти-ҳаракатлари батафсил очиб берилди.

Экскурсия аъзолари ҳаво кемаси экипажлари бевосита хизмат олиб борадиган брифинг залига ташириб буюришди. Бу ерда ўз навбатида тажрибали ҳаво кемаси командири ва стюардессалари билан учрашув ўтказилди.

Аэропортнинг учиб келиш залида эса авиация хавфсизлиги хизмати, паспорт назорати ва божхона назорати бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга қисқача тўхталиб ўтилди. Тадбир сўнгидеда экскурсия аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Анатолий КЕЧИН

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"MSOFT" МЧЖ (ИНН 305204746) устав фондининг 220 000 000 сўмдан 110 000 000 сўмга камайтирилиб, 110 000 000 сўмни ташкил этишни маълум қилади.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99899 898-80-83.

Тошкент шаҳри Миробод тумани "Давлат хизматлар маркази" томонидан 29.12.2016 йилда № 008689-03 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "REAL METALIST PROFIT" МЧЖ (СТИР 304503098) таъсисчининг 6.09.2018 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида Миробод тумани, Нукус ва А.Темур шоҳ кўчалари кесиишги манзилида қабул қилинади. Тел: 94 660-04-05.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани Давлат хизматлари марказида 24.08.2018 йилда 004590-01 реестр рақами билан қайта давлат рўйхатидан ўтган "MASTER FLAKES" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 302024126) Тошкент вилояти, Тошкент тумани Давлат хизматлари маркази 05.09.2018 йилда 633307 рўйхат рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "OMIX-INFO" масъулияти чекланган жамиятига (СТИР 305729314) бирлаштирилишини эълон қилади. "OMIX-INFO" МЧЖ "MASTER FLAKES" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Тел: 90 973-23-57.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

кундүзи — 18-20 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 11 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, шифосланиш даражаси паст бўлади.